

**Улугбек Умарович Сайдов**

ЎзР. Банк молия академияси магистранти,

Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят бош бошиқармаси бўлим  
бошлиги

**DOMESTIC BANKING IN COMMERCIAL BANKS  
ACCOUNT OF OPERATIONS**

***Ulugbek Umarovich Saidov***

*Uz.R. Graduate student of the Academy of Banking and Finance  
Surkhandarya region of the Central Bank the head of the department of the  
main administration*

**Annotatsiya:** Maqolada kredit portfeli boshqarish samaradorligini oshirish va risklarni kamaytirishga yordam beradigan, tijorat banklarida kredit operatsiyalarini hisobga olishni takomillashtirish bo'yicha vazifalar keltirib o'tilgan. Maqola mazmunining asosiy g'oyasi tijorat banklarida kredit tahlili sifatini oshirishga qaratilgan. Kredit operatsiyalarini hisobga olishni avtomatlashtirish, ichki nazorat tizimini rivojlantirish, mumkin bo'lgan xavflarni o'z vaqtida aniqlash va oldini olishni ta'minlaydigan ichki nazorat tizimini yaratish fikri ilgari surilgan. Bu esa kredit portfeli bilan bog'liq muammolar ehtimolini kamaytirishga yordam berishi ta'kidlab o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Jahon banki, innovatsiya, innovatsion loyihalarni moliyalashtirish, islohotlar, infratuzilma, inson kapitali, kredit operatsiyalari, tijorat banklari, buxgalteriya hisobi, kredit tahlili, avtomatlashtirish, ichki nazorat.

**Abstract:** This article examines the main directions of improving the accounting of credit operations in commercial banks and suggests concrete

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

---

*measures for their implementation. In the concluding part of the article, the tasks of improving the accounting of credit operations in commercial banks, which help to increase the efficiency of credit portfolio management and reduce risks, are mentioned. The main idea of the content of the article is aimed at improving the quality of credit analysis in commercial banks. The idea of automating the accounting of credit transactions, developing an internal control system, and creating an internal control system that ensures timely detection and prevention of possible risks is put forward. It is noted that this helps to reduce the possibility of problems related to the loan portfolio.*

**Keywords:** World Bank, innovation, financing of innovative projects, reforms, infrastructure, human capital, credit operations, commercial banks, accounting, credit analysis, automation, internal control.

**Asosiy qism.** Барчамизга маълумки, тижорат банки хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боради, яъни банклар фаолиятининг пировард натижаси банк хизмати ҳисобланади. Шундай экан, улар томонидан банк хизматларини кўрсатиш учун маълум операциялар амалга оширилада. Шу ўринда «банк хизмати» ва «банк операцияси» каби тушунчаларига ойдинлик киритиш лозим деб ўйлаймиз. Фикримизча, бу икки атама ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Банк операцияси ёки операциялар йифиндиси натижасида банк хизмати ҳосил бўлади. Демак, банк операцияларининг якуний натижаси мижозларга банк хизматини кўрсатиш ҳисобланади.

Тижорат банкларида ички фойдаланувчилар учун бошқарув қарорларини қабул қилишда асосланган ички ҳисбот шаклларини жорий қилиш ва унинг маълумотларини банк ички операциялари ҳисоби кўрсаткичлари асосида тайёрланишидир. Бундан ташқари ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ҳисбот шаклларини ҳам таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак, асосий манба банк ички операциялари ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ички банк операциялари ҳисобининг аҳамиятини янада оширади. Демак, асосий

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

масалалардан бири ички банк операцияларининг тўғри ва асосли юритилишини назорат қилиш ва унга холисона баҳо бериш ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал этишда ташқи ва ички аудит хизматидан фойдаланилади.

Банк ички операцияларини аудиторлик текширувни ўтказишда банк ички операциялари туркумига кирувчи асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби, иш ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби, солик ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоблари алоҳида кўриб чиқилади. Банк ички операцияларини аудиторлик текшируви тижорат банкининг ҳисоб сиёсати билан танишишдан бошланади ва ундан текширув учун қуйидаги зарурий маълумотлар олинади: — банк ички операцияларини ҳисобга олишга мўлжалланган счётларнинг ишчи режаси; — банк ички операциялари билан боғлиқ ҳисоб регистрлари рўйхати; — банк ички операциялари ҳисоб билан боғлиқ бирламчи хужжатларнинг айланиши; — банк активларини баҳолаш хусусиятлари, эскириш ва амортизация маъёрлари. Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, банк ички операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишда унинг барча қирраларини қамраб олиш лозимлигини кўришимиз мумкин. Банк ички операцияларини аудиторлик текширувини 4 та босқич асосида амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Аудиторлик текширувини режалаштириш ва ташкил қилиш;
2. Банк ички операцияларини тестдан ўтказиш;
3. Молиявий ҳисботнинг моддаларида акс эттирилган маълумотларни банк ички операциялари маълумотлари билан солиштириш ва тўғрилигини текшириш;
4. Аудиторлик текширувини якунлаш ва аудиторлик ҳисботини тузиш.

Тижорат банкларда ички банк операцияларни бухгалтерия ҳисобини юритишда банк кенгashi томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсати томонидан қонуний асоси белгиланади ва ушбу жараённинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

- банкнинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи мавжудлиги;
- бухгалтерия ҳисобининг ишчи счёtlар режаси;
- ички бухгалтерия ҳисоботи учун бирламчи хужжатлар шакллари рўйхати;
  - хужжатлар айланиши қоидалари ва ҳисоб ахборотининг қайта ишланиши технологияси;
  - банк ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғига айрим кўрсаткичлар бўйича тасдиқланган услублар ва бошқа иловалар;
  - банкнинг ҳисоб сиёсатига доир маълумотларни очиб берадиган тушунтириш хати;
  - бухгалтерия ҳисобини юритишнинг олдинги йиллардан фарқ қиласидиган, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда танланган услублар;
  - ҳисобот санасидан кейинги воқеалар ва хўжалик фаолиятининг шартли фактлари, битта акцияга тўғри келадиган фойда ҳакидаги қўшимча маълумотлар базаси мавжудлиги.

Ички банк операцияларини юритишда ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатлари банк бош бухгалтери томонидан ишлаб чиқилади ва бухгалтериясида ҳисоб юритиш жараёнида кўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидалари акс эттирилади. Республикаиз банклари фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий хужжатларда банкларнинг даромадлари ва харажатларини солик базасига қўшиладиган ва қўшилмайдиган гурухларга ажратилиши ҳам бюджет билан бўладиган ҳисоб-китобларда у ёки бу вариантни мустақил танлаш имкониятини беради.

Ҳисоб сиёсатининг методологик жиҳати акс эттириладиган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидаларини ҳисоб сиёсатида шакллантиришда қуйидаги асосий масалаларни ечимлари кўрсатилиши зарур:

- асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш тартиби;

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

- асосий воситалар ва арzon баҳоли тез эскирувчан буюмларни чегаралаш;
- банк фаолияти учун зарур бўлган материаллар ва банк анжомларини сотиб олиш, сақлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби;
- банк фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш;
- асосий воситаларни таъмирлашни молиялаштириш ва уни ҳисобга олиш тартиби;
- келгуси давр сарфларини қоплаш муддатлари;
- келгусидаги тўловлар ва харажатлар учун захиралар.

Ҳисоб сиёсати ташкилий жиҳатдан банк муассасасида ташкил қилинган бухгалтерия хизматининг ташкилий шакиллари, бухгалтерия хизматининг таркиби ва ҳисобнинг марказлаштирилган даражаси, банк бўлинмаларини алоҳида балансга ажратиш ва ички назоратни ташкил қилиш масалаларини ўз ичига олади[2]. Ҳисоб сиёсатининг техник жиҳати эса қуидаги масалаларни ўз ичига олади:

- марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган счёtlар режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи счёtlар режаси;
- дастлабки ҳужжатларнинг ҳисоб шаклларидан фойдаланиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши ва уларни қайта ишлаш тартиби;
- мулк ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони://www.lex.uz.
2. Е.Ф Жуков “Банки и небанковские кредитные организации и их операции” /Под редакции Москва:2005. – 113с.
3. И.О.Лаврушина “Основы банковского дела /Под редакции М. Финансы и статистика”, 2008г. С.28.

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

---

4. Джураев Камолиддин Нуриддинович “Тижорат банклари банк ички операциялари ҳисоби ва аудитини таомиллаштириш” дисс автореферати Тошкент- 2020

5. Международные стандарты финансовой отчетности. 2017. Москва: Аскери, 1047 с. С.68-69.